

## ДЕДУКТИВ ТАХЛИЛ КИМЁ ТАЪЛИМИНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСИ СИФАТИДА

Р.Ш.Бердиқұлов

Кимё ва уни ўқитиши методикаси кафедраси мудири, PhD

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7410859>

**Аннотация.** Уибү мақолада дедуктив таҳлил орқали кимё ўқитиши масаласи ёритилған. Кимё билимларини баён этишида мантиқ қоидаларидан унумли фойдаланиши, ўрганилганларни тақорлаши, машқ қилиши ва мустахкамлаши жараёнида силлогизм қоидаларидан фойдаланиши масаласи баён қылғанған.

**Калит сўзлар:** дедуктив таҳлил, кимё ўқитиши методикаси, мантиқ, силлогизм, мантиқий фикрлаши, танқидий фикрлаши, кимёвий тафаккур.

## ДЕДУКТИВНЫЙ АНАЛИЗ ПРЕПОДАВАНИЕ ХИМИИ ЛОГИЧЕСКАЯ КАЧЕСТВЕННАЯ ОСНОВА

**Аннотация.** В этой статье рассматривается проблема преподавания химии с помощью дедуктивного анализа. В изложении знаний по химии рассмотрен вопрос об эффективном использовании правил логики, использовании правил силлогизма в процессе повторения, практики и воспроизведения изученного.

**Ключевые слова:** дедуктивный анализ, методика преподавания химии, логика, силлогизм, логическое мышление, критическое мышление, химическое мышление.

## DEDUCTIVE ANALYSIS TEACHING CHEMISTRY LOGICAL QUALITATIVE FOUNDATION

**Abstract.** This article discusses the problem of teaching chemistry using deductive analysis. In the presentation of knowledge in chemistry, the question of the effective use of the rules of logic, the use of the rules of syllogism in the process of repetition, practice and reproduction of the studied is considered.

**Keywords:** deductive analysis, methods of teaching chemistry, logic, syllogism, logical thinking, critical thinking, chemical thinking.

Жамиятда ахборотлар ҳажми ниҳоятда кенгайиб бораётган ҳозирги даврда ахборотлар оқимининг жадаллашуви ўқувчиларнинг ахборотларни таҳлил-синтез қила олиши, уларни тўғридан-тўғри қабул қилмасдан, танқидий ва креатив ёндашув асосида кўриб чиқишилари ва дедуктив таҳлил асосида ўзлари учун муҳим ва фойдали бўлганларини ажратиб олишларини талаб этади ва бунда мантиқий фикрлаш жараёнини тўғри ташкил этиш зарур ҳисобланади.

Фикрлаш – шахс билиш фаолияти жараёни бўлиб, воқеликни бевосита ва умумлашган ҳолда акс эттириш билан тавсифланади. Фикрлаш фанлараро тадқиқотларни, комплекс фанларни ўзида мужассамлаштиради [1, 64 –6].

Дедуктив таҳлилни амалга оширишда хулоса чиқариш учун мантиқ қоидаларига амал қилған ҳолда, талабаларнинг мантиқий фикрлашини ривожлантириш керак бўлади.

К.Д.Ушинский шундай деган эди: “Таққослаш ҳар қандай тушунишнинг ва ҳар қандай тафаккурнинг асоси. Оламдаги нарсаларнинг ҳаммасини таққослаб кўриш йўли билан ўрганмасак, бошқа йўл билан мураккаб. Агар биз бирон нарса билан таққослашимиз ва фарқини билиб олишимиз мумкин бўлмаган бирон янги нарсага дуч келганимизда эди,

у ҳолда биз шу нарса тўғрисида ҳеч қандай фикр ҳосил қила олмаган ва у тўғрисида ҳеч нима айта олмаган бўлар эдик”[2; 75 -б.].

Мантиқий фикрлаш – воқеликни акс эттиришнинг юқори босқичи сифатида инсонга мураккаб ва муаммоли вазиятларда оқилона фикр юритиш ҳамда самарали қарор қабул қилиш, кетма-кетлик изчиллик, асосида фикрлар боғланишини билдиради ҳамда шахс ижодий фаоллигининг муҳим қиррасини ўзида акс эттиради.

Талабаларнинг мантиқий фикрлашини шакллантириш – яхлит тизим сифатида таълимнинг мақсади, ўқитувчи ва талаба фаолияти, таълим натижаси, таълим мазмуни, шакл, метод ва воситаларни ўз ичига қамраб олади [ЗОшибка! Источник ссылки не найден.; 11 -б.].

Кимё дарсларида талабаларда мантиқий фикрлаш қобилиятларни ва дедуктив таҳлил қилиш кўнімаларни ривожлантириш учун ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг натижаси дидактик жараён мақсади, ўқув материали мазмуни, ўқитиш шакл, метод ва воситаларининг тўғри ва оқилона белгиланганлиги ҳамда танланганлигига боғлиқ бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошиши учун фаол таъсир этувчи омиллар мавжуд бўлиши талаб этилади.

Маълумки, инсоннинг ақлий салоҳияти мураккаб жараёнлар тизимидан иборат бўлиб, улар ўта мураккаб тузилмага эга. Нарса ва ҳодиса, жараён ва ўзгаришларни объектив ҳақиқат нуқтаи назаридан тўғри талқин этиш учун жонли мушоҳада, абстракт (хаёлий) тафаккур ва ундан эса билиб олишгача бўлган психик фаолият кўп компонентли [4; 37 -б.]. Ана шулардан иккитаси, бу – индукция ва дедуция.

Индукция – маълум микдорда якка ҳолдаги факт, ҳодиса ва жараёнларни кузатиш орқали, шу кузатишларга таянган ҳолда, ишлаб чиқарилган умумий холоса чиқариш. Бу метод бўйича, олдин кўп микдордаги обьект ёки жараёнлар яхшилаб кузатилади, ўрганиб чиқилади, кейин ушбу кузатишлардан ягона, умумий холоса чиқарилади. Индукцияда мантиқ асосий ўринга эга эмас, тажриба бирламчи ролга эга. Фактлардан қоидага қараб, якка ҳолдаги кўплаб ўрнаклардан ягона умумий холосага қараб борилади. Хусусий ҳолатлар, фикрлардан умумий бир холоса ишлаб чиқилади.

Индукция (лат. Induction — тўғрилаш, тартибга келтириш) (мантиқда) — айрим фикрлардан умумий холосалар чиқаришда ва мантиқий тадқиқотларга қўлланиладиган муҳокама методи. Хусусийликни ўрганиб, умумийлик билиб олинади. Умумийлик предмет ва ҳодисалар билан узвий алоқада бўлади. Умумийликнинг энг муҳим томонларидан бири – бу индуктив холоса чиқариш. Индукцияни ўрганиш фанда қадимдан, ҳинд, юонон мантиқшунослигига, Лао-цзи мактабида бошланган. Индукция масалалари Аристотель, Абу Али ибн Сино асрларида учрайди. XVII-XVIII асрларда эмпирик табиатшунослик юзага келгач, олимлар бу масалага алоҳида эътибор бердилар. Индукцияни ривожлантиришга Ф. Бэкон, Г. Галилей, И. Ньютон, Ж. Милл каби олимлар катта ҳисса қўшдилар. Индукция билимларнинг ташкил топишида, қонуниятларни очишида, тушунчаларни майдонга чиқариш жараёнида, гипотезани олға суришда фан учун муҳим аҳамиятга эга.

Индукция тўлиқ, тўлиқ бўлмаган ва илмий холоса чиқаришга бўлинади. Тўлиқ индуктив холоса чиқариш бирор нарсани синчиклаб ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади. Тўлиқ индукция доимо тўлиқ бўлмаган индукция билан боғлиқ. Тўлиқ бўлмаган индукцияда аниқ фактлар асосида ноаниқ фактлар келтириб чиқарилади.

Натижада, онг бойитилади. Индукциянинг олий шакли – бу илмий индукция. Илмий индукция асосида нарсаларнинг сабабий боғланишини текшириш методи ётади. Масалан, металларнинг айрим кўринишларини ўрганиш асосида биз металлар кристалл тузилишга эга, деган хulosага келамиз, чунки металлар электр токини яхши ўтказади ва барча металлар металл кристалл панжарасига (симобдан ташқари) эга бўлади.

Ҳар қандай индуктив хulosы чиқариш асосини борлиқ, нарса ташкил қиласди. Бу метод дунёни илмий билишда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун объектив ҳақиқатни билишда индукция доим дедукция билан мустаҳкам алоқада бўлади.

Дедукция – олдиндан мавжуд бўлган бир умумий ҳақиқат, умумий принципнинг ўзига хос тартибли фикрлаш ва мантиқ қоидаларига асосланган ҳолда, майдароқ, якка ҳолатларга татбиқ қилинишига айтилади. Дедукцияда умумий бир гипотеза ҳаётдаги мавжуд якка ҳолатлар орқали текшириб чиқилади. Бу умумий принцип олдиндан мавжуд ва ҳолатларни фақатгина бу принципни текшириш, татбиқ қилиш учунгина ўрганилади. Бу ерда бирламчи ўринда мантиқ туради; тажриба эса иккиласи ҳисобланади.

Дедукция (лат. deductio – хulosы чиқариш) – мантиқ қоидаларига кўра хulosы чиқариш. Дастрраб формал мантиқда умумийликдан хусусийликка, айримлик томон мухокама юритиш дедукция деб аталган. Масалан, "Барча металлар электр ўтказувчан ва "Мис – металл" деган икки ҳукмдан дедуктив йўл билан "Мис электр ўтказувчан" деган хусусий янги ҳукм чиқарилади. Индукциянинг қарама-қаршиси. Мантиққа оид адабиётларда "Дедукция" атамасини биринчи бор римлик мантиқшунос-файлесуф Боэций (480— 524) ишлатганлигини таъкидлайдилар. Бироқ бу таълимот силлогизм шаклида биринчи бор Аристотелнинг "Биринчи аналитика" асарида таҳлил қилинган. Кейинчалик дедукция тушунчасини Р.Декарт, Г.Лейбниц каби файлесуф-математиклар ривожлантирилар. Ўрта аср араб фалсафасида Розий, Ғаззолий, Ибн Рушдий томонидан дедукцияга алоҳида эътибор берилган. Унга янги билим бериш воситаси деб қараганлар. Форобий, Ибн Сино, Аристотелнинг дедуктив мантиғига янгилик киритиб, мантиқнинг силлогизм шаклинигина эмас, балки шартли, айирувчи каби шаклларини ишлаб чиқдилар. Хulosы чиқаришнинг янги усусларини яратдилар.

Хозирги замон фанида "дедукция" термини кенг маънода қўлланилиб, муайян ҳукмдан мантиқ қонунлари асосида хulosы чиқариш тушунилади. Агар асос қилиб олинган ҳукм ҳақиқий ва дедукция қонунларига риоя қилинган бўлса, ундан чиқариладиган хulosы ҳам ҳақиқий бўлади. Дедукция – исботнинг асосий воситаси. Шунинг учун фандаги назариялар дедуктив метод натижасида яратилади. Одатда, дедуктив метод маълум соҳада фактик материаллар тўплангандан сўнг, уларни чукур ўрганиш, тизимга солиш ва бошқа мақсадларда қўлланилади. Дедукция психология ва билиш назариясида ҳам амал қиласди. Дедукция психологияда шахснинг индивидуал тафаккури жараёнини ўрганса, билиш назариясида илмий билиш методи сифатида намоён бўлади. Дедуктив метод турли шаклларда, хусусан, аксиоматик метод, шунингдек, гипотетик — дедуктив метод шаклида учрайди. Мавжуд фактик материаллардан дедуктив йўл билан назария яратишда асос бўладиган фикрлар мажмуаси (аксиома ва б.) танлаб олиниб, мантиқ қонунлари асосида улардан бошқа билимлар ҳосил қилинади.

**Дедуктив хulosы чиқариш.** Дедуктив хulosы чиқариш икки усуlda амалга оширилади: 1) бевосита дедуктив хulosы чиқариш; 2) билвосита дедуктив хulosы чиқариш.

Бевосита дедуктив хулоса чиқариш. Бир асосдан мантикий таҳлил орқали янги фикр (билим) ни ҳосил қилиш бевосита дедуктив хулоса чиқариш, деб юритилади. Бунда айрим мушоҳадалар қайта ишланади. Янги фикр (билим) га асос бўлган мушоҳада хуносанинг асоси, ҳосил бўлган янги фикр - хулоса бўлиб ҳисобланади. Бевосита хулоса чиқаришда мантиқ усуллар ёрдамида амалга ошади. Бундай мантикий усулларига қуидагилар киради: а) алмаштириш орқали хулоса чиқариш б) айлантириш орқали хулоса чиқариш в) предикатга қарама-қарши қўйиш.

Алмаштириш шундай мантикий усулки, бунда асос бўлган ҳукмнинг субъекти (С) хуносанинг предикатига (Р), унинг предикати (Р) эса хуносанинг субъекти (С) ра алмаштирилади. Бундан фикр мазмуни ўзгармай қолади. Масалан, оддий моддаларнинг айримлари (С) — газ (Р). Демак, айрим газлар (С) — оддий моддалар. (Р). Алмаштириш усули чиқарилган хуносанинг аниқ бўлишини таъминлайди. Алмаштириш натижасида умумий тасдиқ (А) мушоҳададан жузъий тасдиқ (Ж) ни ҳосил қилиш мумкин. Масалан, ишқорий металларнинг барчаси сув таъсирашганда водород ажralиб чиқади. Демак, цезий сув билан таъсирашганда водород ажralиб чиқади. Берилган хуносани қуидаги схемага солиш мумкин: Барча С — Р (А). Демак, айрим С — Р (Ж). Шунингдек, алмаштириш натижасида умумий инкор ҳукм (Е)дан умумий инкор ҳукм (Е)ни, умумий тасдиқ ҳукм (А)дан умумий тасдиқ ҳукм (А)ни ҳосил қилиш мумкин.

Айлантириш орқали хулоса чиқариш шундай мантикий усулки, асос қилиб олинган мушоҳаданинг субъекти (С) хуносада ҳам субъект сифатида қолади, лекин предикат ва боғловчи ўз қарама-қаршилиги айланади, Қисқача қилиб айтганда, айлантириш ёрдамида асосга teng, лекин мазмун жиҳатидан қарама-қарши фикр жузъий тасдиқ (Ж) мушоҳададан ҳосил қилинади. Масалан, кислота, албатта, водород катионига эга бўлиши керак. Демак, ҳеч қайси кислотада водород катиони бўлмаслиги мумкин эмас. Схемаси: С—Р. Демак С ≠ Р эмас. Айлантириш натижасида умумий тасдиқ (А) мушоҳададан умумий инкор (Е), Жузъий тасдиқ ҳукмдан (Ж) жузъий инкор (О) мушоҳада ҳосил қилинади, Масалан, ҳамма оксидлар — мураккаб модда. Демак, Ҳамма оксидлар — оддий модда эмас. Схемаси: ҳар бир С — Р дир. Демак, ҳеч бир С — Р эмас.

Айлантириш мантикий методининг икки кўриниши мавжуд: 1) содда айлантириш, 2) чеклаш орқали айлантириш. Содда айлантиришда хуносага асос қилиб олинган фикр ва ҳосил бўлган янги фикр ҳажм жиҳатидан teng бўлади. Масалан: барча электролитлар — электр ўтказувчан. Демак, барча электр ўтказувчанлар — электролитлар. Схемаси: барча С — Р. Барча Р — С. Чеклаш орқали айлантириш натижасида умумий тасдиқ (А) ҳукмдан жузъий тасдиқ (Ж) ҳукм ҳосил қилинади. Масалан, барча ишқорлар эритмаси – электр ўтказади. Демак, натрий ишқори эритмаси электр ўтказади.

Предикатга қарама-қарши қўйиш. Бунда хуносанинг субъекти асос предикатига, хулоса предикати асоснинг субъектига зид бўлади. Масалан, атомларнинг электрон булувлари ўзаро қопланганда кимёвий боғ ҳосил бўлади. Демак, электрон булувлар қопланганда кимёвий боғ ҳосил бўлмаслиги мумкин эмас.

Хулоса қилинса, жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар талабалар шахсини ҳар томонлама интеллектуал, билимли, янги вазиятларда оптимал қарор чиқара оладиган ва маънавий ривожлантиришга қаратилган мутахассисларга айлантиришни талаб қилмоқда. Бундай таълимни ташкил этишни фақатгина инновацион технологиялар

асосида шахсга йўналтирилган ҳамда дедуктив таҳлил кўнкмаларни ривожлантирувчи ўқишига ўтилгандагина таъминлаш мумкин.

Кимё ва уни ўқитиш жараёнига дедукция ва индукция тушунчаларнинг кириб келиши, нима сабабдан ушбу тушунчаларнинг киритилганлиги қуидагича изоҳлаш мумкин:

- Кимё ўқитишни сифатини такомиллаштириш зарурати;
- Кимё ўқитишда дедукциядан фойдаланиш ёрдамчи восита эмас, балки кимёвий ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда, айниқса, микрообъектларни ўрганишда муҳим тушунча эканлиги;
- Кимё ўқитишда таълим мазмунига мантиқ қоидаларини сингдириш билимларни ўзлаштириш ва янги билимлар ҳосил қилишга имкон яратиши;
- Кимё ўқитишда дедуктив таҳлилдан фойдаланишни фанлараро боғланиш асосида шакллантириш, фанлараро боғланишдан фойдаланиш, турли ўқув фанлари мазмуни ўртасидаги ўзаро мослик ва узвийлик таъминланиши натижасида ўқитиш самарадорлиги ортишини таъминлайди.

## REFERENCES

1. Nishonova S. M. Pedagogning mustaqil fikrlash qobiliyatini shakllanishining besh sharti // Independent thinking culture formation in the educational process. -Prague: – 2016. 64 – с.
2. Ушинский К. Д. Человек как предмет воспитания. -Москва: Издательство: Гранд-Фаир, – 2004. 576 -с.
3. Леонтьев А. Н. Психологические вопросы формирования личности студента. // <http://www.anleontiev.smysl.ru/vospomin/leon-2.htm>.
4. Бердиқулов Р.Ш. Таълимни модернизациялаш шароитида бўлажак кимё ўқитувчиларининг дедуктив таҳлил кўнкмаларини шакллантириш. Педагогика фанлар бўйича фалсафа доктори диссертация иши. -Тошкент: -2020. 142 –б.
5. Rakhmatov U. E. DEVELOPMENT OF CREATIVE ABILITIES OF PUPILS UNDER USING TASKS AND PROBLEMS IN BIOLOGY LESSONS //XLIII INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE" INTERNATIONAL SCIENTIFIC REVIEW OF THE PROBLEMS AND PROSPECTS OF MODERN SCIENCE AND EDUCATION". – 2018. – С. 112-113.
6. Berdikulov R. S. DEDUCTION OF CHEMICAL THOUGHT //European Research. – 2017. – №. 5. – С. 62-68.
7. Berdikulov R. S. Developmental factor of chemical thinking of future chemistry teachers //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2020. – Т. 2020.
8. Шерназаров И. Э. Академик лицеиларда «Органик киме» фанини ўқитишда интеграциялашган технологиялар ва улардан фойдаланиш //Современное образование (Узбекистан). – 2019. – №. 7 (80). – С. 37-43.
9. Ismailov S. A., qizi Avazova K. E., Dangalova A. A. THEORETICAL BASIS OF USING INTERACTIVE MEDIA RESOURCES IN TEACHING CHEMISTRY //INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE. – 2022. – Т. 1. – №. 6. – С. 147-149.
10. F.A.Alimova, and Usmanova DT. "The Problem Of Formation Of Information Competences In Future Chemistry Teachers." *European Journal of Molecular & Clinical Medicine* 8.2 (2021): 1117-1122.

11. Razakov G. A. METHODS OF INCREASING THE NATURAL SCIENCE LITERACY OF STUDENTS IN TEACHING CHEMISTRY ORGANIZATION OF PEDAGOGICAL EXPERIMENTAL TESTING AND RESEARCH RESULTS //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 2. – С. 804-808.
12. Мадатов Р. М. ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. CSPI conference 3. – С. 881-885.
13. Бердикулов Р. Ш., Алимова Ф. А., Миркамилов Ш. М. ВОЗМОЖНОСТИ КОМПЬЮТЕРНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ПРИ ИЗУЧЕНИИ ОСНОВ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ ХИМИЧЕСКОГО ПРОИЗВОДСТВА //Вопросы гуманитарных наук. – 2010. – №. 2. – С. 207-211.
14. Темиров Н. О., Миркомилов Ш. М., Алимова Ф. А. К ВОПРОСУ ОБ ОБУЧЕНИИ ПРИКЛАДНОМ ЗНАЧЕНИИ МЕТАЛЛОВ //BBC 94 Z 40. – С. 46.